

Тастанова Г.Э., Абдусаматова И.И., Нуримова Д.М., Иброхимов И.И

Тошкент давлат стоматология инсити

✓ **Резюме**

Лимбик тизим— қадимий қатлам бўлиб, ҳидлов мияси ва ҳидлов пиёзчаларидан, ҳидлов дўмбоғи, шаффоф тўсиқ ва шунга ўхшаиш пўстлоқ қисмларидан иборат. Лимбик тизимнинг таркибий қисми- қадимий пўстлоқ бўлиб, у ҳипокампусни, тишсимон пуштани, гипокамп асосини ва қадоқсимон тана устида жойлашган белбоғ пуштасини бирлаштиради. Субкортикал тузилмалардан бодомсимон тана ва бошқа мия ўзаклари ҳам лимбик тизимга киради. Лимбик тизимга шунингдек олдинги таламик ўзак, сўргичсимон тана ва гипоталамус ҳам киради.

Калит сўзлар: Лимбик тизим, онг, хотира, чегара, ҳиссиётлар

**ПОНЯТИЕ, МОРФОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ ЛИМБИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В ЖИЗНИ
ЧЕЛОВЕКА**

Тастанова Г.Э., Абдусаматова И.И., Нуримова Д.М., Иброхимов И.И.

Ташкентский государственный стоматологический институт

✓ **Резюме**

Лимбическая система - это древний слой, состоящий из обонятельного мозга и обонятельных луковиц, обонятельного бугорка, прозрачного пластинки и других частей коры. Неотъемлемой частью лимбической системы является древняя кора головного мозга, которая соединяет свод, зубчатую извилину и поясную извилину находящееся над мозолистом телом. Миндальное тело и другие части ствола мозга из подкорковых структур также входят в лимбическую систему. Лимбическая система также включает переднее таламическое ядро, сосцевидное тело и гипоталамус.

Ключевые слова: лимбическая система, сознание, память, порог, эмоции.

**THE CONCEPT OF THE LIMBIC SYSTEM, MORPHOLOGY AND IMPORTANCE IN
HUMAN LIFE**

Tastanova G.E., Abdusamatova I.I., Nurimova D.M., Ibrohimov I.I.

Tashkent State Dental Institute

✓ **Resume**

Limbic system is a morphofunctional unit consisting of the formation of an ancient layer, the formation of the olfactory brain and olfactory bulbs, the olfactory bulb, the transparent barrier and similar cortical parts consists of. The next component of the ancient cortex, which connects the hippocampus the dentate gyrus, the base of the hippocampus and the glomerular gyrus, which rests on the lingual body. From the subcortical structures the almond complex and the cerebral barrier nuclei also enter the limbic system. The limbic system also includes the anterior thalamic nucleus, the sucking body and the hypothalamus.

Keywords: Limbic system, mind, memory, emotion, threshold.

Долзарблиги

Лимбик тизим (лотинча limbus - чегара, чекка) таламуснинг иккала томонида, тўғридан-тўғри охириги мия остида жойлашган бир қатор мия тузилмаларининг тўпламидир.

У мия поясининг юқори қисмини худди белбоғ сингари ўраб олади ва унинг четини (лимбус) ҳосил қилади. Лимбик қатлам шаклланиши давомида олдинги миянинг асосини ҳалқа

шаклда ўраб олади ва ўзига хос тарзда янги қатлам ва мия ўзаги қисми орасидаги чегара бўлиб ҳиобланади. Брокнинг таърифига кўра, бу қиррали майдонлар, "мия катта ярим шарларига кириш ва чиқиш жойларида – остонада жойлашган". Лотин тилида чегаралимен бўлганлиги сабабли, бу тузилмалар лимбик тизим деб номланган. Лимбик тизим аниқ чегарага эга эмас ва миянинг бошқа кўплаб бошқа тизимлари билан бирлашиб кетади.


Бу алоҳида тизим эмас, балки охириги мия (теленцефалон), оралик мия (диенцефалон) ва ўрта мия (мезенцефалон) дан иборат тузилмалар тўпламидир. "Лимбик тизим" атамаси биринчи марта илмий муомалага 1952 йилда америкалик тадқиқотчи Пол Маклин томонидан киритилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳид сезиш тизими: ҳид сезиш пиёзчаси ва пояси; олдинги илма-тешик соҳа; белбоғсимон пушта; юрак уриши ва қон босимини автоном регуляциясини амалга оширс; паразипокампа пушта; тишли эгат; гиппокамп: ҳид билиш функцияси; қиска ва узок муддатли хотирани шакллантириш, шунингдек - фазовий маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур ва йўналишни ва тадқиқот фаолиятини шакллантиришда иштирок этади (Клювер-Бюси синдроми); энг содда мотивацион ва ахборот коммуникация (нутқни) шакллантиради; уйку жараёнларида иштирок этади. Бодомсимон тана: тажовузкорлик ва эҳтиёткорлик, кўркув; Гипоталамус: автоном нерв тизимини гормонлар (очлик, тўклик, чанқок, жинсий

ҳиссиётларни, уйку ва уйғониш цикли) орқали бошқаради. Ички аъзолар фаолиятини тартибга солиб (гипоталамус орқали); мотивация, ҳиссиёт, хулқ-атвор реакцияларини шакллантириш; ўрганишда муҳим рол ўйнайди ва сўргичсимон тана: хотира шаклланиши жараёнида иштирок этади.

Лимбик тизим организмнинг ташқи ва ички муҳитлари ҳақида маълумот олиб, вегетатив ва соматик реакцияларни ишга туширади ва организмнинг ташқи муҳитга етарлича мослашишини таъминлаб, гомеостазни сақлайди.

Лимбик тизим миянинг бошқа қисмлари ва тизимнинг ўзи билан икки томонлама алоқаларнинг кўплиги билан тавсифланади. Гипоталамус ва сўргичсимон тана орқали лимбик тизим марказий кулранг модда ва ўрта миянинг ретикуляр формацияси билан боғланади. Пўстлокнинг чакка қисмидан гипокамп ва бодомсимон танага кўрув, эшитув, сенсор соматик тизимдан ўтказувчи йўллар ўтади.

Лимбик тизим доирасида кўзғалишни мураккаб айлана йўллар бўйлаб ҳаракатланиши учун шароит яратадиган циклик уланишлар аниқланган. Бундай айлана боғланишга гипокампадан гумбаз орқали сўргичсимон тана – таламуснинг олдинги ўзагига – белбоғ пуштасининг қатлами ва паразипокамп пуштасидан гипокампага қайтиши Пеипетс (Ж. Папез, 1937) доираси мисол бўла олади. Ушбу доирани хотира ва ўқув жараёнлари билан боғлиқлиги аниқланган.



Яна бир доира (бодомсимон тана - гипоталамус – мезенцефал тузилмалар-бодомсимон тана) тажовузкор, ҳазм қилиш ва жинсий фазилатлар шакллари тартибга солади.

Образли хотира кортико-лимбик-таламо-кортикал доира ҳисобига ҳосил бўлади деб ҳисобланади. Лимбик тизимни ички аъзолар фаолиятини бошқаришда катта аҳамиятини

инобатга олган ҳолда баъзан уни **виссерал мия** деб ҳам аташади.

Хулоса

Изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, Лимбик тизим "ҳаддан ташқари зўриқишга учраса" ёки гиперактив бўлса, одамнинг ҳиссий ҳолати ёмонлашади ва миянинг ҳиссиётларга жавоб берадиган бу қисмидаги фаоллик нафақат салбий, балки барча ҳиссиётларнинг оғрикли кучайишига олиб келади ва инсон хафа бўлганида чуқур лимбик тизим фаоллигининг ошиши натижасида нейтрал ҳодисаларни ҳам салбий филтёр орқали сезади ва барча айтилган фикрларни ҳаммасини салбий тарзда талқин қилади.

Агар миянинг бу соҳаси нормал ёки секин ишласа, одам айтилганларни нейтрал ёки ижобий талқин қилади.

Баъзи маълумотларга кўра, чуқур лимбик тизим чуқур чакка бўлаги билан биргаликда яхши хотиралар билан бирга ёқимсиз ҳодисаларни ҳам эслаб қолиш ва сақлашга жавоб беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Psikhofiziologiya / Aleksandrova YU. I. — 3-ye izd. — SPb: Piter, 2011. — ISBN 5-94723-732-6.
2. Agadzhanyan, N. A. Normal fiziologiya: uchebnik — M: Med.inform. agentstvo, 2007. — 519, [1] s.: il. — UDK 612(02)(G). — ISBN 5-89481-342-5.
3. Veyn, A. M. 1. Kliniko-fiziologicheskiy obzor nespetsificheskikh sistem // Lektsii po nevrologii nespetsificheskikh sistem : monografiya. — 2-ye izd. — M: MEDpress-inform, 2007. — ISBN 5-98322-616-9.
4. Veyn, A.M. Lektsiya 1. Kliniko-fiziologicheskiy obzor nespetsificheskikh sistem // Lektsii po nevrologii nespetsificheskikh sistem. — 3-ye izd. — M: MEDpress-inform, 2010. — 112 s. — 1000 ekz. — BBK 56.12. — UDK 616.85-056.4(G). — ISBN 978-5-98322-616-6.
5. Limbicheskaya sistema // Fiziologiya cheloveka : Uch. dlya stud. med. VUZov i fakul'tetov / Pod red. V. M. Pokrovskogo, G. F. Korot'ko. — 2-ye izd., pererab. i dop. — M: Meditsina, 2003. — Gl. 4: Nervnaya regulyatsiya fiziologicheskikh funktsiy. — 656 s. — 10 000 ekz.
6. Sapol'ski, R. Limbicheskaya sistema = RobertMorrisSapolsky. Limbicsystem: Lecture: video. — StanfordUniversity, 2010 (Apr, 30) — (Xumanbexaviorbiology. Lectureno. 14) : [per. s angl.] : lektsiya : [video]. — Stenford, 2010. — 30 aprelya. — (Biologiya povedeniya cheloveka; № 14).

Келиб тушган вақти: 09.10.2021